Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2023-YIL 30-IYUN, JUMA № 26 (1441)

https:// adolat24.uz/

2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVIGA

9

KUN QOLDI





# ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Юртимизда муҳим сиёсий тадбир – Президент сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Айни пайтда сайлов компаниясининг муҳим босқичи – жойларда сиёсий партиялардан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.**

Наманган вилоятининг ҳунармандчилиги билан дунёга танилган Чуст туманида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига “Адолат” социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Робахон Махмудованинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Учрашувда “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудованинг бош ишончли вакили Иномжон Қудратов томонидан тадбир иштирокчиларига номзод ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шундан сўнг Президентликка номзод Робахон Махмудова сайловчиларни мамлакат ривожи, халқимиз фаровонлиги, юртимиз тараққиёти йўлида амалга оширишга қаратилган ғоя ва мақсадлари акс этган Сайловолди дастури ва унда илгари сурилаётган устувор йўналишлар бўйича яқиндан таништирди.

Таъкидланганидек, дастурда илгари сурилаётган ғоя ва вазифалар Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурий мақсадларига ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг бўлиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида адолат тамойилларини барқарор таъминлашни назарда тутади.

2



28 июндан республика бўйлаб сайлов участкалари соат 11:00 дан муддатидан олдин овоз бериш учун очилди.

Сайлов участкасида муддатидан олдин овоз бериш вақти иш кунлари соат 9:00 дан соат 18:00 га қадар, дам олиш ва байрам кунлари соат 11:00 дан соат 17:00 га қадар амалга оширилади.

Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган овоз берувчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш 2023 йил 28 июнь куни бошланиб, 2023 йил 5 июль куни якунланади.




**«АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД РОБАХОН МАХМУДОВАГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

# ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДНИНГ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

1

Жумладан, номзод дастурида ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, миллий иқтисодиёт, илм-фан, инновациялар ва таълим соҳасининг барқарор ўсишига эришиш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, атроф-муҳитни асраш, хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш каби устувор вазифалар илгари сурилмоқда.

Шунингдек, номзод ўз нутқида инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган ижтимоий сиёсат юритиш хусусида ҳам тўхталди. Дастурда дунё сиёсий амалиётида кенг қўлланиладиган социал-демократик ғоялар – эркинлик, адолатлилик, бирдамлик ўзбекона қадриятларимиз, миллий ўзига хослигимиз, халқимизнинг менталитетига уйғунлашган ҳолда ифода этилгани учрашув иштирокчиларида қизиқиш уйғотди.

– Робахон Махмудованинг Сайловолди дастуридан ўрин олган таълим соҳасида кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг шаффоф тизимини йўлга қўйиш каби устувор масалалар сайловчиларининг эътиборини тортди, деб ўйлайман, – деди Наманган давлат университети проректори Наримон Деҳқонов. – Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дастурда ўқитувчининг шаъни, қадр-қимматини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги, келажакда педагог ходимларнинг мавқеини оширишга хизмат қилади, албатта. Шу нуқтаи назардан, дастурда педагог ходимларнинг жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган ташкилий чоралар илм-фан ривожи йўлида илғор давлатлар тажрибаси ва миллий қадриятларимизга таянган ҳолда мактабларда таълим беришнинг янги стандартларини такомиллаштиришга қаратилган, бу эса мамлакатимиздаги ўқитувчи-педагоглар қаторида барча юртдошларимизни бирдек қувонтиришига ишончим комил. Зеро, устозлари қадр топган юртнинг эртаси нурафшон, келажаги, албатта, порлоқдир.

**– Робахон Анваровнанинг Сайловолди дастури билан танишар эканмиз, ғояларнинг аниқ кўрсатилганлиги, мақсадларга эришишнинг муайян механизмлари акс этганлиги билан ажралиб туришини кўрдик,** – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси Нозима Акбарова. **– Адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини сўзсиз таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойларидаги хотин-қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳам бугунги куннинг энг долзарб масалаларидандир.**

Бошқа сўзга чиққанлар ҳам Президентликка номзод Робахон Махмудованинг Сайловолди дастури улуғвор мақсадлар жамланмаси эканлигини эътироф этиш баробарида, йиғилганларни кутилаётган муҳим сиёсий тадбирда Робахон Махмудовага овоз беришга чақирдилар.









**“Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Робахон Махмудованинг сайловчилар билан навбатдаги учрашуви Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтди.**

Тадбирда партия фаоллари, депутатлар, меҳнат фахрийлари, фаол хотин-қизлар ва ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Учрашувни Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши раиси Жамол Комилов кириш сўзи билан очиб берди.

2023 йил 9 июль санасида бўлиб ўтадиган Президентлик сайлови Ўзбекистоннинг келгусидаги барқарор тараққиёти ва ривожланиши учун муҳимлиги таъкидланди.

Сўнг Президентликка номзод Робахон Махмудованинг бош ишончли вакили Иномжон Қудратов томонидан йиғилганларга номзод ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбир давомида “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудова сайловчиларни ўз Сайловолди дастурининг устувор йўналишлари билан яқиндан таништирди.

Айтиб ўтилганидек, номзод дастурида тадбиркорлик субъектларига қўшимча харажатлар юклайдиган барча қоидаларни фақат қонунлар орқали қабул қилинишига эришиш, шунингдек, қонунларни тўғридан-тўғри ишлайдиган механизмлар билан қабул қилиш, бу борада парламент қўмиталари ишини кучайтириш, парламент фаолиятида тадбиркорлик субъектлари ишига аралашмаслик, уларга оид масалаларни ижро органларидан талаб қилиш, депутатларнинг иш вақтининг ярмини ўз сайловчилари ёнида ўтказишини белгиловчи тартибни жорий этишни назарда тутувчи ғоя ва мақсадлар илгари сурилмоқда.

Қолаверса, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги бошқарув компаниялари фаолиятини такомиллаштириш, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий бир хил ўсишни таъминлаб, барча туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантириш, субсидиялар бериш тизимини такомиллаштириш ва мақсадли ишлатилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, жарималарни ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилигига қараб белгилашга доир масалаларга ҳам номзод дастурида алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, бошланғич таълим муассасаларида жамоатчилик назорати кучайтирилиб, боғча ва мактабларга очиқ, шаффоф танлов асосида ишга олиш тизимини яратиш, давлат ҳисобидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва дори воситалари рўйхати такомиллаштирилиб, ижтимоий дорихоналар ривожлантирилиши, оғир касалликларни давлат томонидан даволашни кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг реал даромадларини ошириш борасидаги таклифлар тадбир иштирокчиларининг эътибор марказида бўлди.

Учрашув давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Джанибекова, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати Салоҳиддин Элмуродов, халқ депутатлари Мирзаобод туман Кенгаши депутати Дилдора Халиқова сўз олиб, Президентликка номзод Робахон Махмудованинг Сайловолди дастурида 9 йўналишда мамлакатимиз равнақи, фуқароларимиз фаровонлигига дахлдор ғоя ва мақсадлар таклиф этилаётганлигини таъкидлаш баробарида, йиғилганларни кутилаётган муҳим сиёсий, тарихий тадбирда Робахон Махмудовага овоз беришга чақиришди.

Тадбир якунида Президентликка номзод томонидан Сайловчиларнинг саволларига батафсил жавоб берилди.

**“Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудованинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.**






**4-Жиззах округ сайлов комиссияси матбуот марказида муддатидан олдин овоз бериш жараёнларига тайёргарлик масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

# УЗОҚ МУДДАТЛИ ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР ЖИЗЗАХДА

Тадбирда 4-Жиззах округ сайлов комиссияси раиси, раис ўринбосари, масъул котиби, аъзолари, марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИҲБ) узоқ муддатли халқаро кузатувчилари иштирок этди.

Округ сайлов комиссияси раиси Шавкат Шарипов олиб борган анжуман ишини ЕХҲТ ДИИҲБнинг узоқ муддатли халқаро кузатувчилари жаноб Эрлан Джунушев ҳамда Джоан Адель Браун хоним кузатиб борди.

4-Жиззах округ сайлов комиссияси раиси тадбир иштирокчиларига сайлов участкаларидаги тайёргарлик ҳақида атрофлича маълумот берди.

– *Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз беришини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси сайлов кодексининг 14-, 16- ва 57-моддаларига асосан Марказий сайлов комиссияси муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар учун сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш жараёни жорий йилнинг 28 июнь куни бошланиб, 5 июль куни якунланиши ҳақида қарор қабул қилган. Сайлов участкасида муддатидан олдин овоз бериш вақти иш кунлари эрталаб соат 9:00 дан кечқурун 18:00 га қадар, дам олиш ва байрам кунлари кундузи соат 11:00 дан 17:00 га қадар давом этади,* – дея таъкидлади комиссия раиси Ш.Шарипов.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси котибияти муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларига, шу жумладан, 4-Жиззах сайлов округига округ ҳудудидаги сайловчилар умумий сонининг 5 (беш) фоизи миқдорида сайлов бюллетенлари ва зарур жиҳозлар жорий йилнинг 22 июнига қадар етказиб берилгани таъкидланди.

Бундан ташқари, матбуот анжуманида участка сайлов комиссиялари томонидан сайлов участкаси ҳудудидаги сайловчилар муддатидан олдин овоз бериш куни, вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилингани, уларнинг муддатидан олдин овоз бериш бўйича мурожаатлари қатъий назоратга олингани ҳам қайд этилди.

Матбуот анжумани иштирокчиларининг мавзу юзасидан берган барча саволларига батафсил жавоб берилди.

# ҲАР БИР САЙЛОВЧИ ФАҚАТ БИТТА РЎЙХАТГА КИРИТИЛАДИ

**Мамлакатимизда шу йил 9 июль куни бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳозирлик кўриш ишлари жадал тусда давом этмоқда.**

Сайловда ҳар бир фуқаронинг сайловга оид ҳуқуқларининг таъминланиши уларнинг давлат ва жамият ҳаётида бевосита иштирок этишига хизмат қилади. Бу демократик жамият ва халқпарвар давлат қуришга қаратилган ислоҳотлар даврида муҳим аҳамиятга эга. Сайловчилар овоз бериш жараёнларида иштирок этиши учун, аввало, ўз ҳудудидаги сайлов участкасида сайловчилар рўйхатига киритилиши лозим.

Сайлов қонунчилигига кўра, участка сайлов комиссиялари сайловчиларнинг рўйхатини тузади ва уни сайловчиларга таништиради. Агар рўйхатда хатолар ва ноаниқликларга йўл қўйилган бўлса, бу тўғридаги аризалар участка сайлов комиссияларига киритилади. Участка сайлов комиссиялари аризаларни қабул қилиб, кўриб чиқади ва рўйхатга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади.

Сайлов кодексининг 27-моддасида сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш тартиблари ўз ифодасини топган. Унга кўра, сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин. Сайловчилар рўйхатига ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили киритилади.

Сайловчилар рўйхати сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш бўйича ахборот тизими маълумотлари асосида тузилади.

Хизмат фаолиятида бўладиган ҳарбий хизматчиларнинг, санаторийлар ва касалхоналардаги фуқароларнинг ҳам сайлов ҳуқуқлари тўла таъминланади. Жумладан, ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек, ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ва бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ҳудудларда яшаса, ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритилади.

Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган участкалар бўйича сайловчилар рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида тузилади.

**А.ҚАЮМОВ, М.КОМИЛОВА,**
**ЎзА мухбирлари**

# ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ.** *Ўзбекистон Республикаси Президентлигига "Адолат" СДПдан кўрсатилган номзод Робахон Махмудованинг Сирдарё вилояти бўйича ишончли вакили Нодира Жанибекова Ширин шаҳрида сайловчилар билан учрашди.*



Учрашувда ишончли вакил номзоднинг таржимаи ҳоли ва фаолияти, шунингдек, Сайловолди дастуридаги устувор йўналишлари тўғрисида сайловчиларга батафсил маълумот берди.

Жумладан, номзоднинг Сайловолди дастуридан ҳукумат аъзоси бўлган ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари ўзи раҳбарлик қилаётган соҳага ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли ишлатиш бўйича биринчи навбатда ўзи жавоб берадиган тизим жорий қилиниши каби устувор вазифалар ҳам ўрин олганлиги сайловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

**БУХОРО ВИЛОЯТИ.** *Ўзбекистон Республикаси Президентлигига "Адолат" СДПдан кўрсатилган номзод Робахон Махмудованинг Бухоро вилоятидаги ишончли вакили Мақсуд Ҳамидовнинг Ромитан тумани 1-сон ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби фаоллар залида сайловчилар билан учрашуви ташкил этилди.*

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Т.Чориев, мазкур мактабнинг педагог ходимлари, партия фаоллари ва сайловда илк бор иштирок этаётган ёшлар қатнашишди.

Учрашувда сўз олган номзоднинг ишончли вакили Мақсуд Ҳамидов партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Робахон Махмудованинг таржимаи ҳоли билан йиғилганларни таништирди. Шундан сўнг номзоднинг Сайловолди дастурида ўрин олган муҳим йўналишлар бўйича илгари сурилаётган таклифлар хусусида батафсил тўхталди.

Учрашув чоғида ишончли вакил номзоднинг дастурида келтирилган йўналишлардан бири бўлган мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бу йўналишда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича "Ижтимоий давлат – 2030" дастурини ишлаб чиқиш лозимлиги, шунингдек, туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантириш, фаолияти давомида жуда яхши натижа берган ва фуқароларга катта мадад бўлган субсидиялар бериш тизимини такомиллаштириш ва мақсадли ишлатилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириб бориш, агар мақсадсиз ишлатилса, албатта, субсидия давлатга қайтарилиши шартлигига тўхталиб ўтди.

Божхона ва солиқ имтиёзларини такомиллаштириш ҳамда имтиёзларни аниқ соҳаларга йўналтириш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ҳар қандай турдаги маҳсулотлар сифатига алоҳида эътибор қаратиш ва номзод Сайловолди дастуридан ўрин олган шу каби бошқа қатор муҳим масалалар долзарб эканлиги қайд этиб ўтилди.



**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** *Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти Маданият марказида "Адолат" СДП томонидан Президентликка номзод сифатида кўрсатилган Робахон Махмудованинг Тошкент вилоятдаги ишончли вакили Гулнора Аҳмедованинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.*

Унда шаҳар ва вилоят кенгаши депутатлари, партия фаоллари, давлат ва жамоатчилик вакиллари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда Президентликка номзод Робахон Махмудованинг ишончли вакили Гулнора Аҳмедова йиғилганларга номзоднинг таржимаи ҳоли ва Сайловолди дастурининг асосий йўналишлари ҳақида батафсил маълумотлар берди.

Таъкидланганидек, дастурда ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, миллий иқтисодиёт, илм-фан, инновациялар ва таълим соҳасининг барқарор ўсишига эришиш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, атроф-муҳитни асраш, хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш каби устувор вазифалар илгари сурилмоқда.

*Ўзбекистон "Адолат" СДПдан Президентликка кўрсатилган номзод Робахон Махмудованинг Қашқадарё вилоятидаги ишончли вакили Руиддин Раупов Кўкдала туманидаги педагогика коллежида сайловчилар билан учрашув ўтказди. Унда ишончли вакил номзоднинг Сайловолди дастурида илгари сурилаётган муҳим мақсадлардан бири бўлган юксак маънавиятли жамият барпо этиш йўналишига эътибор қаратди.*



– Жамиятда ҳуқуқий маданиятни маънавиятнинг асоси деб биламиз, – деди Руиддин Раупов. – Шунинг учун ҳам жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мақсадида Конституцияни ўрганишни боғчадан бошлаш керак.

Руиддин Раупов номзоднинг Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда адолатли жамият ва адолатпарвар давлат барпо этиш борасида сўз юритди. Шунингдек, бунёдкор халқимиз ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, униб-ўсиб келаётган ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, жонкуярлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш муҳим. Ёшларимизнинг руҳий дунёсини издан чиқаришга қаратилган турли бузғунчи кучлар, маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларининг олдини олишнинг қонуний асосларини яратишни номзод дастурида асосий вазифа этиб белгилаган.

Учрашувда ишончли вакил Сайловолди дастурида ҳуқуқий давлат қуриш, барча жабҳада ижтимоий адолатни қарор топтириш, илм-фан, инновациялар ва таълим йўналишларида белгиланган устувор масалалар хусусида ҳам тўхталди.



# АДОЛАТЛИ КЕЛАЖАКНИ ТАНЛАЙМИЗ

*“Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудованинг Сайловолди дастурида тўққизта йўналиш бўйича амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинган. “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурларига ҳамоҳанг ва уйғун бу йўналишларда Ватанимиз тараққиёти йўлида демократик, ҳуқуқий, ижтимоий давлат ва барча учун фаровонлик таъминланган адолатли фуқаролик жамиятини қуриш мақсади баён этилган.*

*Мақсадга эришиш йўли нималардан иборат? Улар жамиятимизда қандай янгиликларга, ўзгаришларга йўл очиб беради? Ушбу масалалар, айни пайтда малакали экспертлар томонидан жиддий таҳлил қилиниб, булар ҳақида турли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Қуйида номзоднинг Сайловолди дастури хусусида билдирилган фикр-мулоҳазалардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.*



**Қутбидин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:**

— Маълумки, “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурида “Олий қадрият бу — инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларидир!” деган тамойил мустаҳкамланган. Бу тамойил партия фаолиятининг асосий ғояларидан бири қилиб олинган. Шу ўринда савол туғилади, партия сиёсий платформасида нима учун инсон ва унинг ҳуқуқлари, эркинликлари олий қадрият даражасида улуғланмоқда? Жавоби маълум — инсон улуғланмаган, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари кафолатланмаган жойда қадрият ҳам, адолат ҳам бўлмайди. Инсон қадрияти, ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари қонунлар асосида белгиланади. Қонунлар эса адолатли бўлмоғи керак.

Президентликка номзод дастурининг биринчи йўналиши айнан шу масалаларга, яъни “Ҳуқуқий давлат қуриш”га бағишланган. Шу сабабли, бу йўналишда, аввало, “Биз “Қонун устуворлиги — адолатли жамият қуришнинг муҳим шарти!” деган тамойилни жамиятнинг ҳар бир аъзоси, айниқса, мансабдор шахслар фаолиятининг муҳим қоидасига айлантиришга интиламиз”, деган ғоя илгари сурилган.

Шубҳасиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, унинг қадр-қимматини эъзозлаш марказий масала ҳисобланади. Бунинг учун, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қонун асосида ҳимоя қиладиган суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга эътибор бериш талаб этилади. Шу боис, номзод ўз Сайловолди дастурида бу вазифага алоҳида эътибор қаратган.

Дастурда судлар адолат ҳимоячисига айланиши керак, деган фикр илгари сурилган. Бунинг учун бир қатор масалаларни ижобий ҳал қилиш керак. Аввало, судьялар сонини кўпайтириш, уларнинг ихтисослашувини кенгайтириш, қолаверса, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иш услубини, тафаккурини ўзгартириш, яъни судьялар фаолиятидаги эскича ёндашувларни бартараф этиб, улар фаолиятини жазолаш ғоясидан адолат, тенглик, эркинлик ғояларига ўтказиш зарурлиги илгари сурилади. Бу ғоялар бугунги кун талабидан келиб чиққан десак, айни ҳақиқатни эътироф этган бўламиз.

Адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш учун фақат адолатли қонунлар ишлаб чиқиш, суд тизими мустақиллигини мустаҳкамлашнинг ўзи билан иш битмайди. Айни пайтда жамиятнинг барча жабҳаларида қонунчилик ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилиш учун жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳам талаб қилинади. Жамоатчилик назорати эса сиёсий кучлар — партияларнинг жамоатчилик ва ижтимоий ташкилотлар билан ҳамкорлиги натижасида юзага келади. Бизнинг номзодимиз ҳам партиянинг жамоатчилик фаолиятини янада кучайтириш тарафдори.

Хулоса қилиб айтганда, Президентликка номзод қонун устувор бўлган жамиятда тинчлик ва осойишталик ҳукм суришига, тараққиётнинг барқарор бўлишига, халқнинг давлат сиёсатига ва келажакка ишончи ортишига, фуқароларнинг Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси юксак бўлишига ишонади. Бу ишонч унинг Сайловолди дастурида ҳам ўз ифодасини топган.

**Ўзбекистон Республикаси Президентлигига “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод Робахон Махмудовага овоз беринг!**



**Зуҳра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,
“Адолат” СДП фракцияси раҳбари:**

— Анъанавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг кўламли дастурларининг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли ижтимоий давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаётган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси барча соҳаларда ижтимоий адолатни қарор топтиришни ўзининг устувор вазифаларидан бири сифатида эътироф этади.

“Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудованинг Сайловолди дастурида давлат бошқарувини такомиллаштириш борасида бир қатор таклифлар илгари сурилмоқда.

Мисол учун, ҳар қандай оила ўз оила бошқарувини режали асосда амалга ошириб борса, шубҳасиз, ўша оила аъзоларининг ҳаёти фаровон, дастурхони тўкин, келажаги нурли бўлади.

Биз яшаб турган жамиятни кўплаб оилалардан ташкил топган улкан бир оилага қиёс қилишимиз мумкин. Шундай экан, жамият ва давлат бошқаруви ҳам мукаммалликни, хатосиз ишлашни талаб қилади. Қолаверса, оила бошқаруви ҳам, давлат бошқаруви ҳам ҳамиша тирик организм каби янгиланиб турадики, демак, жамият бошқаруви ҳам ушбу жараёнда кундан-кунга шиддат билан ўзгариб бораётган замон талабларига жавоб бера олиши керак.

Айни шу жиҳатдан олиб қараганда, номзодимизнинг Сайловолди дастурида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, парламентаризм ва парламент демократиясини янада ривожлантириш юзасидан бир қатор янги ғоялар илгари сурилмоқда.

Хусусан, номзод маҳаллий Кенгашларга туман (шаҳар) ҳокимларига нисбатан ишончсизлик билдириш ҳуқуқини беришни таклиф этмоқда. Бу масаланинг моҳияти нимада? Бу таклифнинг қандай аҳамияти бор?

Кучли фуқаролик жамиятига ўтаётган мамлакатимизда сўнгги йилларда жойларда ижро ҳокимияти устидан самарали назоратни таъминлаш мақсадида маҳаллий Кенгашларга бир қатор ваколатлар берилди. Ижро ҳокимиятининг маҳаллий Кенгашлар олдидаги ҳисобдорлиги, бюджет жараёнини назорат қилиш каби ваколатлар шулар жумласидан.

Биз ҳудудларда ҳокимларнинг ҳисобдор бўлиши тарафдоримиз. Шу боис, номзодимизнинг маҳаллий Кенгашларга, ҳокимларга ишончсизлик билдириш ҳуқуқини бериш борасида илгари сураётган таклифини ўта долзарб ва муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Чунки мазкур тизим ишга тушган тақдирда ҳокимларнинг ҳам, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ҳам ўз ишига масъулият билан қараши, жавобгарлик ҳисси кучаяди. Бу эса, ўз навбатида, халқ манфаати ва жамият тараққиётига хизмат қилади.

Шунингдек, Президентликка номзод Робахон Махмудова ўз Сайловолди дастурида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, такомиллаштирилиши зарурлигини ҳам билдирган. Бу ҳам жамият ва инсон манфаатларига хизмат қиладиган таклифдир. Чунки адолат устувор жамиятда қабул қилинган ҳар қандай қонун сўзсиз ва самарали ишлаши зарур. Агар амалдаги қонун ишламаса, бу вазият, таҳлил этилиши, тегишли хулосалар чиқарилиши ва ечимлар берилиши зарур бўлади.

**Номзодимизнинг Сайловолди дастури шундай ва шу каби ҳаётий ғоялар билан уйғунлиги боис, мен уни қўллаб-қувватлайман. Барчани партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудовага овоз беришга чақираман.**



**Холиджон КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор,
Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг офтальмология кафедраси профессори:**

— “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Робахон Махмудованинг Сайловолди дастури тўртинчи йўналиши соғлиқни сақлаш тизимига бағишланган. Унда, жумладан, давлат ҳисобидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва дори воситалари рўйхатини такомиллаштириш, ижтимоий дорихоналарни ривожлантириш, оғир касалликларни давлат томонидан даволашни кенгайтириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган.

Бу масалаларга алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас. Негаки, фуқароларга кўрсатиладиган тиббий хизмат даражаси такомиллаштирилиши муҳим. Чунки тиббий хизматлар ривожланмаса ва бу иш давлат томонидан амалга оширилмаса, соғлиқни сақлаш тизимида турли мураккабликлар, қийинчиликлар келиб чиқади. Касалликларни даволаш сифати ҳам, фуқароларнинг тиббиёт тизимига ишончи даражаси ҳам пасаяди. Айни пайтда дори воситалари рўйхатини такомиллаштириш борасида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Эътибор беринг, юртимизга ҳар хил дори воситалари кириб келаверса, бу дори воситаларининг аҳоли соғлиғини яхшилаш ўрнига зарарли томонлари мавжуд бўлса, хўш, бунга ким жавоб беради? Шундай экан, давлат томонидан тиббиёт ташкилотларининг хизмат фаолиятини такомиллаштириш ва дори воситалари рўйхатини давлат томонидан қатъий эътибор билан шакллантириш ҳаётий зарурат ҳисобланади.

Дастурда нодавлат тиббиёт ташкилотларини тижорат ташкилотидан нотижорат ташкилотига ўтказиш масаласи ҳам ўртага ташланган. Бу айни юқоридаги масалани ижобий ҳал қилишнинг яна бир самарали усули ҳисобланади. Чунки тиббиёт ташкилоти бутунлай тижорат ташкилотига айланса, маблағ кетидан қувиш бошланади. Маблағ кетидан қувиш эса соғлиқни сақлаш тизимида аҳволни қийинлаштиради, ижтимоий мақсадлардан тижорий мақсадлар устун қўйилишига сабаб бўлади. Тизимда турли иллатларнинг юзага келишига омил яратади. Шунинг учун ҳам уларни нотижорат ташкилотга айлантириш мақбул йўл кўринади. Бу амалиёт Жанубий Корея ва бошқа қатор ривожланган давлатлар тажрибасига тўла мос келади.

Дастурда оғир касалликларни давлат томонидан даволашни кенгайтириш масаласи ҳам тўғри қўйилган, деб ҳисоблайман. Чунки шундай касалликлар борки, улардан фориғ бўлиш учун ҳар қандай фуқаро ёки оиланинг имконияти, кучи етавермайди. Баъзан эса жамиятда эпидемия ёки пандемияни юзага келтирадиган касалликлар пайдо бўлади. Бу эса ўз-ўзидан оғир касалликларни ва пандемия туфайли юзага келган асоратли касалликларни даволашда давлатнинг фаолиятини кенгайтиришни талаб қилади. Қолаверса, аҳолининг кафолатланган тиббий хизматлардан фойдаланиш масаласи янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам ўз аксини топганки, бу номзоднинг дастуридаги айни масалада ҳам ифодаланган.

Сайловолди дастуридаги фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишувлар ортидан беморларга ҳаддан зиёд дорилар сотиб олишга таъсир кўрсатиш юқорилагани, Ўзбекистон антибиотиклар истеъмоли бўйича етакчи ўринларда экани ҳақидаги фикрлар ҳам ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмайди. Афсуски, бундай салбий ҳолатлар ҳаётимизда мавжуд ва уларни бартараф этиш зарур. Ахир бундай келишувлар оқибатида фуқароларнинг қанчадан-қанча маблағлари кўкка совурилади, энг ачинарлиси, фуқароларимизнинг соғлиғига зиён етади. Шунинг учун ҳам номзод ўз Сайловолди дастурида дориларнинг ягона электрон базасини янада такомиллаштириш масаласини ўртага қўйган. Бу орқали дори-дармонларнинг ноқонуний айланмасини, фармацевтика ва тиббиёт ходимлари ўртасидаги яширин келишувларни ҳамда дорилар нархининг асоссиз оширилишини бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Умуман олганда, соғлиқни сақлаш тизимини ижтимоий давлат тамойилига мувофиқлаштириш ва шу асосда “Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодекси” лойиҳасини янада такомиллаштириш масаласи дастурдаги асосий йўналишлардан бири қилиб белгиланган.

Номзод дастуридаги яна бир муҳим масала, мамлакатимизда “ақлли тиббиёт” тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, тиббиёт соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни кенгайтириш билан боғлиқ. Зеро, бугунги кунда дунё тиббиётининг илғор усуллари билан танишиш, хорижий давлатларнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги ютуқларидан самарали фойдаланиш, аҳолимизнинг соғлиғини янада яхшилаш учун “ақлли тиббиёт”дан, телемедицинадан, замонавий ахборот-технологияларидан фойдаланиш ҳаётий заруратга айланган. Бу эса бугунги ислоҳотларимизнинг, аҳоли саломатлигини сақлашнинг муҳим шартларидан биридир. Шу сабабли, дастурдаги бундай ғояларни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.



**Инна КОРЖИКОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси:**

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни алоҳида аҳамиятга молик масаладир. Хотин-қизларга муносабат маълум муддатнигина талаб этадиган масала эмас. Бу доимий изчилликни, мунтазам эътиборни ва қатъиятни талаб этадиган масала. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади, деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Аёлларимизнинг оилада тутган ўрни беқиёс. Оқила аёллар ўз меҳри билан оиладаги муҳитни, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни сақлаб туради.

Номзод дастурида адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароитлар яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини сўзсиз таъминлашга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қайд этилган.

Номзод томонидан хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойларидаги хотин-қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам эътирофга молик.

Энг муҳими, номзод жамиятда хотин-қизлар фаоллиги ва ролини оширишда бардавом бўлиб, барча бўғиндаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида хотин-қизлар вакилларини кўпайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Маълумки, янгиланган Конституциямизда оила институтига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши, оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оилани қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, анъанавий оилавий қадриятларни сақлаш бўйича чоралар кўриши кераклиги алоҳида белгиланган.

Шунингдек, номзод ўз Сайловолди дастурида мазкур ҳаётбахш конституциявий нормалардан келиб чиққан ҳолда, “Оналик, оталик ва болаликнинг давлат муҳофазаси тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ташаббусини илгари сурмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, оила институтини янги конституциявий нормалар асосида мустаҳкамлашни ҳамда янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Номзод оилаларда тенг ҳуқуқли ва адолатли муносабатни, маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмларини яратишга алоҳида эътибор қаратган.

Бунинг учун, аввало, оилавий ажримларнинг олдини олиш чораларини кўриш керак. Шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш бўйича миллий индексларни ишлаб чиқиш зарур.

Номзод дастурида репродуктив саломатлик ва демографик ривожланишни барқарор таъминлаш мақсадида “Соғлом оила — соғлом жамият 2030” дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш режасини ҳам алоҳида қайд этиб ўтган. Чиндан ҳам, жамиятнинг соғломлашиши оиладан бошланади. Соғлом оилалар умумлашиб, ягона соғлом жамиятни ташкил этади. Бу ерда гап, албатта, оиланинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғломлиги ҳақида кетаётгани масаланинг долзарблигини янада оширади, деб ўйлайман. Юқоридагилардан келиб чиқиб, барчани номзодимизни қўллаб-қувватлашга чақираман!

**Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори,
фалсафа фанлари доктори:**



— Янгиланган Конституциямизнинг 52-моддасида давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилади, уларнинг ижтимоий ва моддий жиҳатдан фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик кўрсатади, деган норма белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, “Адолат” СДП номзоди ўз Сайловолди дастурида ўқитувчининг обрў-эътибори — бу аввало, миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътибори эканига алоҳида урғу бермоқда. Партия ҳам ўз электоратининг салмоқли қисмини ташкил этган педагог ходимларнинг нуфузини ошириш ҳамда юксак мақомини белгилаш орқали уларнинг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий чораларни кўриш тарафдори. Шу мақсадда ўқитувчининг мақомига оид қонуннинг тез фурсатда қабул қилиниши номзоднинг дастурида устувор масала сифатида эътироф этилган.

Маълумки, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиши, энг аввало, замонавий илғор технологияларнинг ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ. Замонавий илғор технологияларни ҳаётга татбиқ этиш учун эса таълим, илм-фан, инновацияларни ривожлантириш талаб этилади. Шунинг учун дастурда фан — таълим — ишлаб чиқариш тизимларининг узвий алоқадорлигини таъминлаш масаласи замонавий илғор технологияларни юзага келтиришнинг асоси сифатида белгиланади.

Ҳаммамизга аёнки, ҳар қандай жамиятда таълимни ривожлантирмасдан туриб, илм-фан соҳасида янгиликларни яратиб бўлмайди. Илм-фан соҳасида янгиликлар бўлмаса, инновацияни юксалтириш, янги технологиялар яратиш қийин кечади. Буларсиз эса жамият тараққиёти юзага келмайди. Шу сабабли номзод дастурида таълим, илм-фан, инновацияни янада ривожлантириш масаласини кундалик ҳаётимизнинг асосий вазифаларидан бири, деб белгилайди. Нафақат белгилайди, балки таълим, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш пировард мақсад — адолатли жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий омили, деб қарайди.

Бугунги кунда таълим тизими ва илм-фан ўртасида, илм-фан билан инновация ўртасида узвий боғланишлар, ҳамкорликлар кутилганидек натижа бермоқда, деб айта олмаймиз. Шу билан бирга, олимларнинг илмий ва инновацион ишланмаларини тижоратлаштириш, яъни уларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш даражаси юқори эмас. Бошқача айтганда, илм-фан янгиликлари билан саноат, ишлаб чиқариш ўртасида узилиш мавжуд. Яратилаётган илм-фан кашфиётлари, ихтироларини ҳаётга татбиқ этиш ишларини жадаллаштириш лозим.

Бу даражани юксалтириш учун номзод дастурида яна бир жараёнга — иқтисодиётнинг ҳақиқий драйвери бўлган инженер, технолог, агроном-механизатор каби мутахассислар сонини кўпайтириш ва малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш масалаларига алоҳида эътиборни қаратади. Бу бежиз эмас. Чунки ушбу соҳалардаги аксарият илғор фикрлар, ғоялар, ихтиро ва кашфиётлар айнан шу соҳалар вакилларининг фаолияти туфайли юзага келади.

Номзод дастурида эътиборни мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида изчил ислоҳ қилиш жараёнига ҳам қаратади. Бунинг сабаби аниқ, чунки илм-фаннинг, инновацион янгиликларнинг асоси, биринчи навбатда, халқ таълими, мактабларда ўқитиш тизимини яхшилашдан бошланади. Яъни, ҳамма нарса таълим дастурларидан бошланади.

**Президентликка номзод Сайловолди дастурида бу йўналишдаги асосий мақсадни мамлакатимизда инновацион ривожланишни жадаллаштиришдан, иқтисодиётнинг барча тармоқларидан инновациялар ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ қилишдан, инсон капиталини, илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантиришдан иборат, деб белгилайди. Юртимиз, Ватанимиз тараққиёти учун хизмат қиладиган бундай ғояларни қўллаб-қувватлайман.**

МОЗИЙГА САЁҲАТ

*Донги дунёга кетган Косонсой қадимийлик жиҳатидан маълум ва машҳур ҳисобланади. Тарихий манбаларга асосланадиган бўлсак, Косонсой (Кушон)нинг тилга олиниш даври эрамиздан аввалги III, II асрларга бориб тақалади. Ўша даврлардан токи шу кунларга қадар бу диёрдан дунё тамаддуни ривожига ҳисса қўшган кўплаб буюк шахслар етишиб чиққан.*

*Ушбу мўъжазгина мақолада Косонсой фарзанди бўлган ва дунё илм-маърифати ривожига муносиб ҳисса қўшган бир қатор алломалар ҳақида қисқача маълумот бериб ўтишга ҳаракат қиламиз.*

Муҳаммадхон АКРАМОВ,
Косонсой тарих музейи мудири,
Муҳиддин ОМАД,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси



# Косонсойнинг довруғини таратган буюклар

Косонсойнинг фахри ҳисобланмиш йирик диний арбоб, Нақшбандия тариқатининг давомчиси Маҳдуми Аъзам Косоний (1461-1542 йиллар) ўз замонасининг муҳтарам зотларидан бири эди. Уни Мирзо Бобур ва бошқа шоҳ ва шаҳзодалар ўзига пир тутган. Махдуми Аъзам Косоний-Даҳбедий Самарқандда яшаб, ўша ердан абадий қўним топган. Ундан "Танбеҳ ус-салотин" ва бошқа кўплаб диний ва илмий асарлар мерос бўлиб қолган.

"Малик ул-уламо" унвони соҳиби бўлган Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад ал-Косоний (1100-1191 йиллар) Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби вакилларидан бири ҳисобланган. Унинг "Бадоеъ-ус саное" асари маърифат аҳли учун мерос бўлиб қолган.

"Тож-ус саодат" унвони соҳиби бўлган Шамсиддин Муҳаммад Косоний (XI аср) тарихда етук донишманд сифатида ном қолдирган.

Марғилон шаҳри ҳокими бўлган Пайғу Малик Косоний (XI аср) эса "Обизилол" номли қасидалар тўпламини ёзиб қолдирган тенгсиз шоир ҳисобланади.

Етук шоир ва илм арбоби бўлмиш Абу Наср Аҳмад ибн Сулаймон ал-Косоний Қорахонийлар давлати (1080-1086 йиллар)да вазир ва қози лавозимларида ишлаган.

Абу Нуваси Аҳваий Косоний (768-855 йиллар) ҳам ўз даврининг етук олими ва шоири ҳисобланади. Шунингдек, яшаб ўтган даври ҳақида ёзиб қолдирган эсдаликлари қиммати жиҳатидан юқори ўринда туради.

Хитой пойтахти Пекин шаҳрининг мусулмонлар истиқомат қиладиган Нюжье мавзеида кўҳна зиёратгоҳ бор. Унда жуда қадимий қабр бўлиб, у асли косонсойлик Шайх Муҳаммад бинни Аҳмади Буртани Косонийга тегишлидир.

Шайх Муҳаммад XIII аср бошларида кўҳна Косонда таваллуд топган. Ёшлигидан диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаган. Косоний нисбаси наинки ўз юрти, балки Осиё ва Яқин Шарқда маълуму машҳур бўлган. Умрининг сўнгги дамларини Хитойда ўтказган олим узоқ йиллар Пекин шаҳрида мударрислик қилган.

Ўн бешинчи асрнинг охири, ўн олтинчи асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган Муҳаммад Ҳодий Косоний илм-маърифатли шоирларидан бири бўлган. Фазлийнинг «Мажмуайи шоирон" асарида берилган маълумотларга қараганда Ҳодий Косоний форсий шоир бўлган.

Ашраф бин Умар Ойбек хожа Косонийнинг (вафоти 1449 йил) улуғ ва мўътабар шайх бўлганликлари эътироф этилади.

Косонийлардан яна бири бўлмиш Муҳаммад Ҳасан Паймий ҳам халқпарвар шайх, олим сифатида ном қозонган. Халқ у кишига "Мадд дона гўй" (Гапни чўзиб, дона-дона гапирувчи) дея таъриф берган. У 869 йилда вафот этган, Гўрмирон қишлоғидаги қабристонга қўйилган.

Милодий 1258 йил 8 январда мазкур қабристонга дафн этилган Муҳаммад Носир бин Шайхул имоми Олим бин ул Ҳусайн Шамс ал-Косоний замонасининг етук олимларидан бири бўлган. Ул зотга замондошлари *"фақиру мискинларнинг доимий саховатпешаси, улуғларнинг пешвоси, машҳурларнинг шарофатлиси, мамлакатнинг кўрки, буюк эҳсон соҳиби, олимлар мураббийси, фозиллар даражасини белгиловчи"* дея таъриф берганлар.

Амир Дарвеш Муҳаммад Файзий Косоний XVI асрда яшаб ўтган таниқли шоир бўлиб, дастлаб Косонда, сўнг Самарқанд ва Тошкент мадрасаларида таҳсил олади. Замондошлари орасида "Подшоҳ Файзий Шерозий" номи билан машҳур бўлган. Ўн бир йил Тошкент музофоти қозикалони бўлиб ишлаган. Юз йилдан ортиқ умр кўриб, 1591 йилда вафот этган ва Даҳбедда, Махдуми Аъзам пойгоҳига дафн этилган.

"Баҳр ул-асрор" асари муаллифи косонлик олим ва шоир Маҳмуд ибн Вали Косоний (у Амир Ҳолати Косоний деб ҳам аталган)дир. Маҳмуд ибн Валининг падари бузруквори Мир Муҳаммад Вали Косоний Пирмуҳаммадхон (1546-1567 йиллар) замонида Косондан Балхга кўчиб келган ва унинг саройида катта нуфузга эга бўлган. Мир Хислат тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Олим Б. Аҳмедовнинг ёзишича, Маҳмуд ибн Валининг катта акаси Амир Абулборий Косоний ҳам ўз даврининг оқилу доно кишиси бўлган. Манбаларда қайд этилишича, Саййид Миракшоҳ Маҳмуднинг опасига уйланган. Саййид Миракшоҳнинг бой кутубхонаси бўлиб, уни Маҳмуднинг ихтиёрига топшириб қўйган.

Муҳаммад Аминхўжа Мунший Косоний XVIII-XIX асрларда меъмор, наққош, нажжор, шоир ва котиб сифатида донг таратган. Унинг бошчилигида Наманган шаҳридаги Мулла Қирғиз мадрасаси, 1809 йили Косонсойдаги XI асрга тегишли "Ғўзапоямозор" меъморий обидаси мукаммал таъмирланган.

Махдуми Аъзам Косоний авлоди бўлмиш Муҳаммад Ҳакимхон тўра 1806 йил ўз замонасининг ҳур фикрли кишиси Маъсумхон оиласида дунёга келган. Тараққийпарвар сиёсий қарашлари туфайли Ҳакимхон тўра Қўқон хони томонидан мамлакатдан бадарға қилинади. Умрининг кўп қисми саёҳатларда, саргардонликда ўтади.

Девонаи Қаландар Косоний ўз замонининг (XVIII аср) етук шоири бўлган. Адабиётшунос олим А.Халилбековнинг "Наманган адабий гулшани" китобида қайд этилишича, Қаландар Косоний шоира Жаҳон отин Увайсийнинг отаси бўлган. Шоир ўзбек-тожик тилларида ижод қилган.

Косонсойлик тарихчи Ҳакимхон Тўра Қўқон хони Олимхоннинг жияни бўлган. Отаси Маъсумхон Қўқон хонининг туғишган синглиси Офтоб ойимнинг эри эди. Ҳакимхон тўра ўзи яшаб турган хон замони тўғрисида "Мунтахаб ат-таворих" номли асар ёзган. Бу асар XIX аср миллий адабиётининг энг яхши намуналаридан бири саналади.

Туркистон мухторияти Маориф вазири бўлган Носирхон Тўра Косоний ўз замонасининг олим ва миллатпарвар кишиларидан бири эди. Носирхон Тўра таълимни аввал ўз отасидан, сўнгра Қўқон, Бухоро мадрасасида олгач, 1913 йил ҳаж амалини бажаради. Сафар чоғида ривожланган давлатларда амалга оширилаётган кашфиётлар ва илм-фан тараққиётидан хабардор бўлиб қайтади ва ўзига яқин инсонлар ва қўрбошилар билан ватанни қутқаришга бел боғлайди. Натижада Носирхон Тўра советлар томонидан кузатувга олинади ва 1925 йилда Самарага сургун қилинади, кейинчалик эса Оренбургга ўтказилади. 1928 йилнинг сентябрь ойида сургундан қайтса ҳам Носирхон Тўра советлар томонидан қатъий назоратга олинади. Хоинларнинг хиёнатига учраб, 1930 йил 15 июлда Ўшда қўлга олинади. Сўроқ давомида Носирхон Тўра нега шўролар сиёсатига қарши эканлигини тушунтириб беради. 1930 йил 27 октябрда Носирхон Тўра отиб ташланади.

Ислом илмининг етук олими Мулла Жўра Охунд Косонсой довруғини етти иқлимга ёйган буюк олим эди. 1887 йилда таваллуд топган Мулла Жўра она шаҳрида бошланғич таълимни олади. Бухоро мадрасасида илмий ва исломий фанларни, айниқса, фиқҳ, фалсафий тариқат ва шариат илмини мукаммал эгаллаган Мулла Жўра Охунд талабалик даврида Амир Олимхон ва Николай II стипендияларига сазовор бўлган.

XX аср алломасига айланган Мулла Жўра Охунд шўролар даврида руҳонийликда айбланиб, кўп йиллар қамоқда ўтириб чиқди. Аллома 1985 йилда 98 ёшида вафот этган.



Бутун умри ватан фироғида ўтган Саййид Мубашширхон Косоний (1929-1995 йиллар) Косонсойнинг Дарвоза қишлоқ маҳалласидаги мулкдор Сулаймонхўжа оиласида туғилган. 1930 йилда большевиклар томонидан мол-мулки мусодара қилинган отаси



Сибирга сургун қилинади. Шундан сўнг Саййид Мубашширхон онаси Латифа биби ва тоғаси билан ватандан чиқиб кетиб, Афғонистон, Саудия Арабистони каби давлатларда ҳижратда яшайди. Саййид Мубашшир Косоний қатор хотира китоблар муаллифи. Унинг уч жилддан иборат «Ўрта Осиё тарихи» асари ноёб қўлланма ҳисобланади.

Буюкларга бешик бўлган қадимий Косонсойда ноёб асори-атиқалар, кўҳна тарихдан сўзловчи қадимий обидалар ҳам талайгина. Жумладан, Косонсойнинг кўрки бўлиб, кўкка бўй чўзиб турган улкан чинорнинг экилганига минг йилдан ошган.

Садпири комил масжиди ҳам минг йиллик тарихга эга. Ушбу масжид ёнидаги қабристонда бир қанча олиму уламолар ором олиб ётибди.

2200 йиллик тарихга эга бўлган Муғтепа Даван, Кушонийлар империяси даврида Фарғона давлатининг ҳарбий сиёсий маркази, пойтахт шаҳар бўлган. Қорахонийлар даврида (XI аср) шаҳарда танга пуллар зарб этилган.

Табиий туризм маскани ҳисобланадиган Чак-чак булоқнинг ҳам ўз тарихи бор. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Амир Темур Қамариддинга қарши урушда икки бора шу ердан ўтиб, булоқ ёнида дам олган.

Туман марказидаги 1030 йилда қурилган Ғўзапоямозор меъморий обидаси ғаройиблиги билан кишини ҳайратга солади. Бу ерда Сайид Жалолиддин Сомоний номи билан боғлиқ мақбаралар мажмуи бўлиб, қатағон йилларида (1933 йилда) бузиб ташланган, хайриятки, масжид сақланиб қолган. Ушбу масжид биносини улкан ғўзапоя дарахти тўсини кўтариб туради. Абдуллахон подшолиги даврида қурилган.

Жомий масжиди ҳам диққатга сазовор обидадир. Ер остида барпо этилган Гунгалак ҳаммоми 1400 ёшда. Ривоятларга кўра, ҳаммом шам билан иситилган.

Саййид Жалолиддин Косоний зиёратгоҳи XV асрларда барпо бўлган. Бу ерда Махдуми Аъзам Косонийнинг отаси Саййид Жалолиддин Косоний қабри бор.

Хуллас, Косонсойда қадимий тепаликлар, истеҳкомлар, қалъалар, кузатув манзиллари, улуғ кишилар қўним топган Тафтуқ ота, Лангар ота, балиқлар ҳукмдори аталмиш Шайх Зунун Мисрий, Чор саҳоба, Зарбахш ва Хўжа Рўшноги каби зиёратгоҳлар борки, уларнинг ҳар бири алоҳида тарихга эга.

Косон қасабасини синчковлик билан ўрганган шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома" асарида бу гўшага алоҳида таъриф бериб: *"Яхши ҳаволиқ ердур. Сафолик боғчалари бор. Вале сафолик боғчалари тамом сой ёқасида воқеъ бўлғон учун "пусини пеш барра" дебтурлар. Сафо ва ҳавода Ўш била Косон элининг таассуби бор..."* дея таъриф этган. Ушбу таърифни ҳис этиш, кўз билан кўриш учун биргина йўл бор. Бу йўл Косонсой томонга элтади...

---

Иқтисод

## Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш истиқболлари

***Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида барча соҳаларда туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бундай ислоҳотлар бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлил соҳасида ҳам жадал давом эттирилмоқда.***

Мўътабар ХЎЖАЕВА,
ТДИУ "Молиявий таҳлил ва аудит"
кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди

Бугунги кунда жаҳоннинг замонавий аудиторлик амалиётида текширувларнинг сифати ва халқаро миқёсда тан олинишини таъминлаш учун уларни халқаро аудит стандартларига мувофиқ замонавий дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш талаб этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда жаҳон аудиторлик амалиётида халқаро аудит стандартларини қўллаш орқали хўжалик юритувчи субъектларга аудиторлик кафолатларини бериш, яъни аудиторлик амалиётини "тасдиқлаш"дан "кафолатлаш"га ўтказиш асосий мақсад қилиб олинган. Ҳозирда жаҳоннинг етакчи давлатлари томонидан аудиторлик амалиётини такомиллаштиришда текширувларни тўлиқ халқаро аудит стандартлар асосида ўтказилишини таъминлаш, ривожланган мамлакатлар қонунчилиги ва илғор тажрибасини амалиётга жорий этиш, аудиторларни халқаро стандартлар асосида профессионал сертификатлаш ҳамда лицензиялашнинг замонавий тизимини яратиш долзарб ва ўрганилиши зарур бўлган масалалардан саналади.

Хорижий мамлакатларда иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида аудиторлик текширувини режалаштириш ва ўтказишни халқаро стандартлар асосида ташкил этишга қаратилган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Халқаро аудиторлик амалиётида олиб борилган тадқиқотлар натижасида аудиторлик текширувини ташкил етишнинг тартиб-таомиллари, аудиторлик риски ва муҳимлик даражаларини аниқлаш ҳамда рискни пасайтириш йўллари ишлаб чиқилган, ишончли аудитор фикрини шакллантиришда далиллар етарлилигини баҳолаш ва текширув натижаларини тақдим этишда ягона услубий тартибга эришилган. АХС (аудитнинг халқаро стандартлари) талабларига мос келувчи аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини шакллантириш масалалари илмий жиҳатдан асосланган. Бироқ юқоридагиларга қарамасдан ҳозирги жаҳон аудиторлик амалиётида текширувларни халқаро меъёрларга мувофиқ ташкил етиш ва ўтказиш, аудитни автоматлаштириш ва аудит натижаларини ҳужжатлаштириш масалалари комплекс тарзда ўрганилмаганлиги бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда аудиторлик фаолиятининг мустаҳкам норматив-ҳуқуқий базаси ва ўзига хос миллий аудиторлик хизматлари бозори шакллантирилди, уни ривожлантириш учун таъсирчан иқтисодий омиллар ҳамда солиқ имтиёзлари қўлланилмоқда, аудиторлик фаолиятини лицензиялаш тизими жиддий равишда соддалаштирилди ҳамда эркинлаштирилди.

Ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида "Йирик давлат корхоналарида молиявий ҳисобот тузиш ва аудит ўтказишда халқаро стандартларни жорий қилиш" каби муҳим вазифалар белгилаб қўйилди. Ўз навбатида, юқоридаги вазифалар ижросини таъминлаш аудиторлик текширувини режалаштириш ва ўтказишнинг амалий ва услубий жиҳатларини такомиллаштириш, текширувларда илғор хориж тажрибаси ва дастурий воситалардан фойдаланиш, халқаро стандартлар асосида текширув натижаларини ҳужжатлаштириш, умумлаштириш ва баҳолаш, хусусан, аудиторлик текширувини режалаштириш ҳамда ўтказишни такомиллаштиришга оид чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

---

Огоҳлик

## ҲАЁТИНГИЗНИ ХАВФ ОСТИГА ҚЎЙМАНГ!

**Ёзнинг иссиқ кунларида одамлар бўш вақтларини муздек шарқироқ сувга тўла анҳор бўйларида, ариқ ва каналлар қирғоғида ўтказишни афзал кўришади. Тўғри, ёзнинг жазирама иссиқ кунлари бундай жойлар жонга ором бахш этади. Аммо шу билан бирга жуда хавфли эканлигини ҳам унутмаслик лозим.**

ЖЎРАЕВ Жаҳонгир Зиёдулла ўғли,
Чилонзор тумани ФВБ П ва НБ мутахассиси

Афсуски, огоҳлантиришларга қарамасдан бирон бир ёз мавсуми сувда чўкиш каби бахтсиз ҳодисаларсиз ўтмайди. Уларнинг аксарияти ҳафта охирида, дам олиш ва байрам кунларида, мавсумий қутқарув постлари мавжуд бўлмаган сув ҳавзаларида, сузиш учун жиҳозланмаган жойларда қайд этилади. Кўпинча одамлар ўзларининг бепарволик ва эътиборсизликлари қурбони бўлишади. Уларнинг ўлим ҳолатларининг асосий сабаблари сувда ҳаракатланиш қоидаларига риоя қилмаслик ҳисобланади. Масалан, маст ҳолда, шунингдек, жиҳозланмаган жойларда сузиш оқибатида ҳам бахтсиз ходисалар келиб чиқади. Шунингдек, болалар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар эса катталар назоратисиз чўмилишлари сабабли содир бўлади. Сўнгги пайтларда бундай ҳолатлар сузиш ҳавзаларида эмас, балки сув яқинидаги дам олиш жойларида содир бўлмоқда. Шу сабабли, дам олувчилар санитария шифокорларининг тавсияларига риоя этишлари лозим.

Инсон ҳаёти барча нарсадан азиз. Шунинг учун ҳар биримиз ҳаётимиз хавфсизлигига эътиборли бўлишимиз муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, сув ҳавзалари яқинида ўрнатилган белгилар ва маълумот тахталарига эътибор қаратиш зарур. Сиздан чўмилиш жойларида асосий хавфсизлик қоидаларини ҳамиша эсда тутишингиз талаб этилади:

**- фақат жиҳозланган дам олиш жойлари ва пляжларда сузишингиз керак;**

**- болаларни сув яқинида қаровсиз қолдирманг;**

**- сузишни билмасангиз, белдан юқори чуқурликдаги сувга тушманг;**

**- сувда 20 дақиқадан кўп қолманг, акс ҳолда ҳипотермия билан конвулсиялар пайдо бўлиши мумкин;**

**- кўприклардан ўтиш жойларида ҳам шўнғиманг, чунки йил давомида сув сатҳи тушган бўлиши ёки сувга бирор нарса ташланган бўлиши мумкин;**

**- нотаниш ҳудудларда қирғоқдан сакраш қатъиян ман этилади;**

**- агар сиз гирдобга тушиб қолсангиз, ўпкангизга кўпроқ ҳаво олинг ва чуқурликка шўнғинг, ён томонга кучли силкиниб, сув юзасига сузиб чиқинг;**

**- узоққа сузиш мумкин эмас, чунки сиз қирғоққа қайтиш учун куч ва имкониятингизни ҳисобга олмаган бўлишингиз мумкин;**

**- агар сизни кучли оқим ушлаб қолса, у билан курашишга уринмаслигингиз, қирғоққа яқинлашиб, бурчак остида сузишингиз керак.**

Яқиндан кузатиш, тезкор муносабат билдириш, биринчи ёрдам кўрсатиш, инсон ҳаётини сақлаб қолиш — бу оммавий қутқарув постларида навбатчи қутқарувчиларининг асосий вазифалари. Аммо шуни эсда тутингки, агар сиз ўз соғлигингизга масъулият билан қарамасангиз, ҳаётингиз хавф остида қолиши мумкин. Негаки қутқарувчилар ҳам сувда мутлақ хавфсизликни таминлаш имкониятига эга эмас. Хавфсизлик ҳақида гап кетганда, асло бепарволикка йўл қўймаслик лозим. Ўзингиз ва яқинларингизнинг хавфсизлигига сиз ҳам масъул эканлигингизни унутманг!




## Ҳикмат

### Денгиз бўлмоқчимисан?..

Бир боланинг пойабзали денгизга тушиб йўқолди. У соҳилдаги қумларга шундай деб ёзди:

**"Бу денгиз – ўғри"...**

Бироз нарироқда бир балиқчи тўрига мўлгина илинган балиқни қирғоққа тортиб олиб чиқди ва қумларга шундай деб ёзди:

**"Бу денгиз – жўмард"...**

Бир йигит денгизга чўкиб кетди. Фарёди фалакка ўрлаган она соҳил қумларига шундай ёзди:

**"Бу денгиз – қотил"...**

Кекса балиқчи каттакон инжули чиғаноқ топиб олди ва қумларга шундай ёзди:

**"Бу денгизнинг қалби бой"...**

Сув тўлқинланиб соҳилдаги ёзувларни ўчириб юборар экан, мавжлана-мавжлана шундай деди:

**"Денгиз бўлмоқчи бўлсанг, атрофдагиларнинг сўзларига аҳамият бермагин!.."**



## 30 июнь – Ёшлар куни

# ИҚТИДОРЛИ ВА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР — мамлакат тараққиётининг таянчи

**Бугунги кунда юртимиз аҳолисининг 19 миллиондан ортиғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилмоқда. Ҳар йили ўртача 600 минг ёшлар меҳнат бозорига кириб келяпти. Яқин ўн йилда бу рақам бир миллионга етиши кутилмоқда.**

**Махфират ХУШВАҚТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси**



Шу боис, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган вақт ичида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди.

Жумладан, 30 июнь санаси мамлакатимизда "Ёшлар куни", деб эълон қилинди. Ёшлар сиёсатини амалга оширувчи алоҳида ташкилот ташкил этилиб, ёшларнинг давлат бошқаруви ва жамият тараққиётининг барча босқичида тўлақонли иштирокини таъминлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, парламентимизнинг ҳар иккала палатаси қошида ташаббускор ёшларни ўзида жамлаган "Ёшлар парламенти" фаолияти йўлга қўйилди. Турли соҳаларда самарали фаолият юритаётган, юқори натижаларга эришиб, тенгдошларига ўрнак бўлаётган йигит-қизларни рағбатлантириш мақсадида "Мард ўғлон" давлат мукофоти ва "Келажак бунёдкори" медали таъсис этилди.

Шу билан бирга, ёшларга сифатли таълим бериш, касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимликларида ёшлар билан ишлашга бевосита масъул бўлган ҳоким ўринбосари лавозими жорий қилинди. Бу ишларни маҳаллада ташкил этиш бўйича вертикал бошқарув тизими яратилди. Натижада, 9 минг 500 та маҳаллага фидойи ва ташаббускор ёшлар етакчилари тайинланди. Бу тизим орқали ёшларга 100 дан ортиқ имкониятлар яратилиб, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, алоҳида эътибор ва кўмакка муҳтож ёшлар билан манзилли ишлаш мақсадида "Ёшлар дафтари" ва жамғармаси ташкил этилди.

Иқтидорли ёшларнинг энг яхши ғоя, стартап ва лойиҳаларига қулай ва енгил шартларда, зарур бўлса фоизсиз кредитлар ажратилмоқда. IT-парклар бўйича тажрибадан келиб чиқиб, ҳудудларда "Креатив парк"лар ҳам ташкил этилиб, уларга ҳам IT-парк резидентларига берилган имтиёз ва енгилликлар қўлланилмоқда.

Жумладан, 2022 йилнинг ўзида ёшлар тадбиркорлиги учун 4 триллион сўм кредит ажратилиб, 150 мингта лойиҳа ишга туширилиб, 325 мингта янги иш ўринлари яратилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасига қизиққан, ер билан тиллашиб ўз даромадини ошириш иштиёқида бўлган ёшлар учун 43 минг гектар экин майдони ажратилиб, 435 минг ёшлар бандлиги таъминланди. Шу билан бирга, 32 мингдан зиёд ёшларга субсидия орқали ўз қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари ва компьютер жамланмалари олиб берилди.

Бу соҳадаги ишларни янада аниқ ва манзилли ташкил этиш мақсадида 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 9 миллион нафар ўғил-қиз алоҳида эътиборга олинди. Шунингдек, илк бор 25 та вазирлик ва идора маълумотлари ўзаро уйғунлашган электрон базага жамланди. Барча ёшларнинг ижтимоий аҳволи, қобилияти ва қизиқишлари ўрганилиб, "маҳалладан вазирликкача" тизимида ишлаш йўлга қўйилди.

Умуман олганда, бугун ёшлар билан ишлаш барча раҳбарларнинг, кенг жамоатчиликнинг, бутун жамиятимизнинг ва парламент аъзоларининг энг устувор вазифасига айланди. Натижада, мамлакатимиз ёшларининг ўзига ва келажагига бўлган ишончи ортиб, халқаро майдонларда ҳар бир соҳа ва йўналишларда муносиб ўринларни эгалламоқдалар.

## АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТЛАР

**Негадир доим кўнглимизни оғритгандан эмас, кўнглимизга қарайдиган инсонлардан аламимизни оламиз...**

**Бизни севганларга озор берамиз-у севмаган инсонларга поёндоз бўламиз...**

**Тўғри йўл кўрсатганни ёмон кўрамиз-у эгри йўлга бошлаганнинг ортидан қолмаймиз...**

**Яхши кўрган яқинларимизга, касал биродарларимизга вақтимиз йўқ-у етти ёт бегонаникига ошга боришга ҳар доим вақт топамиз...**

**Оиласи ночорроқ синглимизга ҳар хил баҳоналар билан ёрдам бермаймиз-у лекин элнинг кўзи учун қозон-қозон ош қилиб, зиёфат берамиз...**

**Ота-онамизни ҳафтада бир бора кўриб келишга фурсат йўқ, аммо улфатлар билан ўтиришга ҳар доим тайёрмиз...**

**Аёлимиздан бир неча калима ширин сўзимизни аяймиз-у кўчадаги аёлларга калималар орасидан энг яхшиларини аямаймиз...**

**Озгина пулимизни йўқотиб қўйсак, қанча асабимиз бузилиб, хафа бўламиз-у аммо ҳеч қандай бойликка сотиб олиб бўлмайдиган вақтимизни арзимаган нарсаларга сарфлаётганимизга ачинмаймиз...**

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис: «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ**

**Таҳрир ҳайъати:**

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зуҳра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

**Бўлимлар:**
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
Котибият — 71 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132);
Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15

**Масъул котиб — Абдуғани Содиқов**
**Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов**

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

**1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган**

**info@adolatgzt.uz**
**adolatgz-95@mail.ru**

ISSN 2091-5217

**1 2 3 4 5 6**

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 600

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

**Адади – 16106**
**Босишга топшириш вақти – 21.00**
**Босишга топширилди – 21.00**
**Баҳоси келишилган нархда**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

**«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.**
**Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**